

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 24/30.12. 2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ ҚАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

РАББИМКУЛОВ САМАРИДДИН АСАТОВИЧ

**ФАРҒОНА ОРОГЕН БОТИҚЛИГИДА УГЛЕВОДОРОД УЮМЛАРИ
ФАЗОВИЙ ЖОЙЛАШУВИНИНГ ГЕОЛОГИК-СТРУКТУРАВИЙ ВА
ГЕОФИЗИК МЕЗОНЛАРИ**

04.00.07 – “Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш”

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Геология-минералогия фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по геолого-минералогическим наукам**

**Content of abstract of doctor of philosophy (PhD) dissertation
on geological and mineralogical sciences**

Раббимкулов Самариддин Асатович Фарғона ороген ботиклигида углеводород уюмлари фазовий жойлашувининг геологик-структуравий ва геофизик мезонлари.....	3
Раббимкулов Самариддин Асатович Геолого-структурные и геофизические критерии пространственного распределения залежей углеводородов в Ферганской орогенной впадине.....	22
Rabbimkulov Samariddin Asatovich Geological-structural and geophysical criteria for the spatial distribution of hydrocarbon deposits in the Ferghana orogenic depression.....	42
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	46

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 24/30.12. 2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ ҚАРИМОВ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

РАББИМКУЛОВ САМАРИДДИН АСАТОВИЧ

**ФАРҒОНА ОРОГЕН БОТИҚЛИГИДА УГЛЕВОДОРОД УЮМЛАРИ
ФАЗОВИЙ ЖОЙЛАШУВИНИНГ ГЕОЛОГИК-СТРУКТУРАВИЙ ВА
ГЕОФИЗИК МЕЗОНЛАРИ**

04.00.07 – “Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш”

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/GM65 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.ing.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Умурзаков Раҳимжан Абдуразакович**
геология-минералогия фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Шоймуратов Тўйчи Халикулович**
геология-минералогия фанлари доктори

Исмаилов Ваҳитхан Алиханович
геология-минералогия фанлари доктори

Етакчи ташкилот: **АО «Ўзбекгеофизика»**

Диссертация ҳимояси Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти ҳузуридаги DSc24/30.12.2019.GM41.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23» июль 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114-уй. Тел.: +998 71 253-09-78, факс: +9971 250-92-15; e-mail: igirnigm@ing.uz).

Диссертация билан Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4196 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100059, Тошкент шаҳри, Шота Руставели кўчаси, 114-уй. Тел.: +998 71 253-09-78, факс: +998 71 250-92-15; e-mail: igirnigm@ing.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «7» июль куни тарқатилди.
(2021 йил «9» июндаги 1-рақамли реестр баённомаси).

Ю.И. Иргашев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси
г-м.ф.д., профессор

М.Г. Юлдашева
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш
илмий котиби, г-м.ф.н., к.и.х.

А.Н. Богданов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар
раис ўринбосари, г-м. ф.д., к.и.х.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда геология-қидирув ишларини янада жадаллаштириш борасида нефть ва газ саноатини янги углеводород захиралари билан таъминлаш энг асосий устувор вазифа ҳисобланади. Бугунги кунда иктисодиётнинг янги замонавий тармоқларининг пайдо бўлиши кун сайин углеводород манбаларига эҳтиёжнинг ортишига сабаб бўлмоқда. Шу боисдан ҳам Ер қаърини муфассал қайта ўрганиш ва янги конлар очиш учун замин яратиш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири эканлигини таъкидлаш лозим. Бу борада нефть ва газ конларини назорат қилувчи геологик-структуравий элементларни аниқлашда замонавий геоахборот технологиялар дан фойдаланиш ҳамда турли геофизик маълумотлар асосида углеводород уюмларининг маконда тақсимланиш хусусиятларини ўрганиш, уларнинг ўзаро боғлиқлигини миқдорий кўрсаткичлар билан асослаш назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Дунёда нефть-газ конларини шаклланишида геологик-структуравий элементларини ҳамда геофизик майдонларнинг асосий таъсир этувчи омилларини аниқлаш, уларни таҳлил қилиш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, замонавий геоахборот технологиялари ёрдамида геологик-геофизик методлар асосида макондаги структураларни ва уларни нефть ва газ конларига боғлиқлик даражасини аниқлаш ҳамда тектоник, неотектоник структураларнинг ҳамда гравитацион майдон аномалияларининг нефтьгазлилик мезонларини аниқлаш, уларнинг ишончлилигини миқдорий баҳолаш ва таҳлил қилиш келгуси геологик-қидирув ишларининг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда углеводород уюмларини тўпланган жойларини аниқлаш учун геологик ва геофизик омиллари бўйича илмий изланишлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар Стратегиясида «..алоҳида ҳудудларда табиий ва минерал хомашё салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш...»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада турли геологик ва геофизик омилларни геоахборот технологиялари ёрдамида УВ уюмларини маконда тақсимланишига бўлган таъсирини миқдорий баҳолаш билан нефть-газ конларини қидирув мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда янги истиқболли нефть-газ зоналарини ажратиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 1 мартдаги ПҚ-3578-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги №ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

тўғрисида»ги Қарори, 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4401-сон «Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни янада такомиллаштириш ва 2020-2021 йилларда минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва бошқа меъерий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларини амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга боғлиқлиги: Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VIII «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси: Диссертация мавзуси бўйича чоп этилган адабиётларнинг таҳлили нефть-газ конларининг ҳосил бўлишига, шаклланишига ва уларнинг тақсимланишига кўпгина омиллар таъсир қилиши ва улар орасида тектоник омиллар асосий эканлиги қайд этилганлигини кўрсатади. Бу маълумотлар Ер қитъасидан то турли регионлар бўйича амалга оширилган нефть-газ-геологик районлаштиришда ўз аксини топган. Бу борада Ўзбекистоннинг нефть ва газга истиқболли регионларини, шу жумладан Фарғона ботиқлигини ўрганишда ўзбекистонлик ва россиялик олимларнинг хизматлари улкан бўлган. Уларнинг орасидан қуйидаги тадқиқотчи-олимларнинг номларини эсга олиш жойиз: О.М.Акрамходжаев, О.А.Рыжков, М.С.Сайдалиева, З.Р.Зокиров, А.А.Юрьев, А.У.Умаров, Ш.Д.Давлятов, А.Г.Бабаев, Ю.Г.Педдер, А.Р.Ходжаев, Б.Б.Ситдиқов, П.М.Усманов, К.Р.Сиддиқходжаев, А.И.Гадоев, А.Д.Гончар, М.Р.Нурматов, И.Х.Халисматов, А.И.Исмаилов, А.Х.Урманов, Р.У.Каломазов ва бошқалар.

Бу муаммо юзасидан хорижий олимлардан-А.А.Бакиров, Г.Х.Дикенштейн, Г.А.Габриэлянц, В.Е.Хаин, М.Л.Ворденав, J.A.Negre, Wang Zecheng, Zhao Wenzhi, D.G.Quirk, M.J.Howe, А.И.Тимурзиев, И.И.Нугманов, В.А.Зайцев ва бошқа тадқиқотчиларининг илмий ишларида у ёки бу масалалар бўйича фикр мулоҳазалар юритилган. Чоп этилган адабиётларда нефть ва газ конларининг турли геологик, литологик-стратиграфик тектоник маълумотлар билан боғлиқлиги тўла ўрганилган бўлсада, аммо омилларнинг ўрганилаётган нефть ва газ кўрсаткичлари билан алоқадорлик умумий боғланиши бор дейилиб, қай даражада эканлиги баҳоланмаган. Неотектоник кўраткичларнинг нефть ва газ конларининг жойлашиш хусусиятларига таъсири фақат Бухоро-Хива региони учун П.М.Усманов, Турон платформасининг ғарбий қисми бўйича россиялик А.И.Тимурзиев (Россия, МГЭ), Каспий минтақасидаги Скиф плитасида В.А.Зайцев (Россия) ва унинг касбдошлари, ва Татаристонда И.И.Нугманов (Қозон, ТДУ) ва бошқалар томонидан ўрганилган. Фарғона ботиқлиги бўйича неотектоник ҳаракатларнинг нефть ва газ билан боғланишига қаратилган Б.Б.Таль-Вирский, В.П.Алексеев, Б.Б.Ситдиқов илмий ишлари мавжуд. Ушбу тадқиқотчилар неотектоник жиҳатдан ботиқлик зоналари бўйлаб нефть-газ конлари жойлашувини таҳлил қилган ва тегишли натижалар олишган. Аммо

хозирги кунга кадар нефть-газ конларини турли тектоник ва геофизик омиллар билан қай даражада боғланиши ишончлилик даражасини аниқлаш билан баҳоланмаган.

Геофизик методлар маълумотлари бўйича Б.С.Вольвовский, И.Н.Крейнес, В.А.Пак, Б.Б.Таль-Вирский, Ф.Х.Зуннунов, М.Б.Зильберштейн, И.И.Перельман, З.Д.Пшеничная, А.И.Харитонов, К.А.Грудкин, Г.П.Ефимов Т.Л.Бабаджанов, О.П.Мордвинцев, В.Г.Гадиров, Р.Н.Ибрагимов, Д.О.Мордвинцев, Г.Ю.Юлдашев ва бошқаларнинг ишларида таҳлил қилинган ва турли жаҳатлари кенг ёритилган. Бунда ҳудуднинг турли масштабдаги тектоник, гравитацион аномал хариталари тузилган. Гравитацион майдон бўйича Ер ости чуқурлиги тузилишининг хусусиятлари ўрганилган. Шу билан бирга ботиқликда жойлашган нефть-газ конларини сифат жиҳатдан белгилаб берадиган турли маҳсулдор горизонтларни қудуқлар кесимида таҳлил қилиш ишлари амалга оширилган. Бунда геофизик кўрсаткичлар билан нефть-газ конлари умумий таққосланган, аммо миқдорий боғланиш хусусиятлари ўрганилмаган.

Ўз навбатида, Фарғона ботиқлигини космик тасвирлар асосида М.Х.Ишанов, Ю.А.Пильгуй, Д.А.Ташходжаев, М.Х.Ходжибеков, А.Д.Бакланов, А.К.Глух, Р.А.Чемборисов, Б.Г.Азимов, А.К. Нурходжаев томонидан ўрганилганлигини қайд этиш билан бирга бу ерда янги рақамли масофавий зондлаш маълумотларини жалб этиш ва уларни чуқур таҳлил қилиш муҳим амалий аҳамиятга эгаллигини таъкидлаш мумкин.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника унверситети илмий–тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-13-22 «Замин нефтьгазлигининг башоратида геодинамик ёндашишни қўллаган ҳолда электрразведка ва термогеокимёвий съёмкаларни комплекслаштириш асосида локал углеводород тўпламларини излаш ва разведкаси методларини такомиллаштириш» (2015-2017) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Фарғона ботиқлигида углеводород уюмлари тақсимланишининг геологик-структуравий ва геофизик омиллар билан боғлиқлигини миқдорий баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нефть-газга истиқболли зоналарни ажратишда геологик-структуравий ва геофизик кўрсаткичлардан фойдаланиш ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

Фарғона ботиқлигининг геологик-структуравий хусусиятларининг космик тасвирлар ёрдамида намоёнлик белгиларини аниқлаштириш;

геологик-структуравий ва геофизик кўрсаткичларининг нефть-газ уюмларининг тақсимланишига бўлган таъсирини миқдорий баҳолаш;

нефтьгазлилик зоналарининг геологик-структуравий ва геофизик мезонларини ажратиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона ботиклидаги нефт-газ конларининг тектоник ва геофизик омилларга нисбатан тақсимланиш хусусиятлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети нефть ва газ конларини тақсимланишига структуравий тектоник ва гравитацион мезонларининг таъсирини миқдорий баҳолаш ва истиқболли нефтгазли зоналарини ажратиш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда геологик-геофизик тадқиқотлар комплексини бажаришда замонавий компьютер технологияларининг қуйидаги дастурий таъминоти жалб этилди: ENVI, ArcGIS, Global Mapper ERDAS Imagine ва QGIS. Ушбу дастурий воситалари асосида рақамли космик суратларнинг геоахборотлилиги бўйича визуал ва автоматик дешифровка қилиш усуллари, геоморфологик, неотектоник хариталаш, геологик ва геофизик маълумотларни таққослаш ҳамда миқдорий дисперсион таҳлил қилиш методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

масофавий космик тасвирлар ва замонавий рақамли технологиялардан нефтгазлиликда фойдаланиш имкониятлари асосланган ва илк бор Фарғона ботиклиги тектоникаси билан нефтгазлилиги ўртасидаги боғлиқлик миқдорий аниқланган;

илк бор Фарғона ботиклиги учун неотектоник ҳаракатлар тезлиги градиентининг майдон бўйлаб ўзгариш хусусиятлари аниқланган;

неотектоник ҳаракатлар амплитудаси, ҳаракатлар контрастлилиги ва гравитацион майдон аномалиялари кўрсаткичлари ботикликнинг нефтгазлилигини назорат қилувчи асосий мезонлар сифатида ишлаб чиқилган;

Фарғона ботиклигида тектоник элементларнинг тури, неотектоник ҳамда гравитацион кўрсаткичларининг нефть, нефть-газ ва газ конларининг жойлашувига ва “эфектив ҳажмлари”га таъсир кучи барча омилларнинг биргаликдаги таъсирининг 39÷76 % ни ташкил этиши ва конларнинг турига қараб алоҳида қидирув ишларини олиб бориш лозимлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Фарғона ботиклиги учун замонавий геоахборот технологиялари асосида структуравий-тектоник элементлари, неотектоник ҳаракат контрастлигининг хариталари ишлаб чиқилган ва амалиётда қўллаш учун тавсия этилган;

нефть-газга истиқболли зоналарни ажратишда ишончлилигининг эҳтимоллик даражаси 0,95 дан юқори бўлган неотектоник ва гравитацион мезонлари аниқланган;

структуравий-геологик, неотектоник ва гравитацион кўрсаткичлар мажмуи асосида Фарғона ботиклигининг нефть-газга истиқболли зоналарининг башорат харитаси тузилган;

Фарғона ботиклигининг зилзила ўчоқларининг сейсмогеологик шароитларини ўрганиш учун аҳамиятли бўлган неотектоник ҳаракат тезлиги градиенти харитаси тузилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги жаҳон миқёсида тан олинган юқори даражадаги дастурий воситалар ишлатилиши ҳамда математик статистик таҳлил асосида баҳоланган эҳтимоллиги юқори маълумотларга таянганлик билан ифодаланади ҳамда турли йилларда олинган нефть ва газ конлари тўғрисидаги геология, тектоника, геофизик фактик маълумотлар таҳлилида, юқори аниқликдаги хариталар тузишда кўпзоналлик Landsat-8 космик тасвирлар, уларни бир бири билан таққослашда “ArcGIS Desktop”, Global Mapper, ERDAS Imagine “ENVI” ва QGIS компьютер дастурий воситалардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги маълумотлар асосида Фарғона ботиқлиги учун замонавий тектоник элементларни аниқлаштириш, неотектоник ҳаракат контрастлилиги намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш, неотектоник ва гравиметрик кўрсаткичларига нефть-газ конларининг макондаги ҳажмий тақсимланиши таъсир этишининг илк бор миқдорий баҳоланганлиги билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нефтьгазлилиқнинг тектоник, неотектоник ва гравитацион аномалияларининг статистик жиҳатдан ишончли мезонларини аниқлаш асосида ишлаб чиқилган нефть-газга истиқболли башорат зоналари хариталари Фарғона ботиқлигида янги нефть ва газ конларини очишга ва Ўзбекистон Республикаси углеводород ресурсларини кўпайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Фарғона ороген ботиқлигида углеводород уюмлари фазовий жойлашувининг геологик-структуравий ва геофизик мезонлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

неотектоник мезонлар асосида тузилган истиқболли зоналар харитаси «Ўзбекгеофизика» АЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2021 йил 2 мартдаги 07/21-сон маълумотномаси). Натижада, истиқболли зоналарда сейсморазведка ва электроразведка методлари ёрдамида янги локал структураларни аниқлаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

гравитацион майдон аномалиялари асосида ажратилган истиқболли зоналар харитаси «Ўзбекгеофизика» АЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2021 йил 2 мартдаги 07/21-сон маълумотномаси). Натижада, янги нефть-газ уюмларини контурлаш мақсадида бажариладиган геологик-қидирув ишларининг самарадорлигини ошириш имконини берган;

углеводород конларининг фазовий ҳолат турига қараб қидирув-излов усулларини танлаш бўйича тавсия «Ўзбекгеофизика» АЖда ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2021 йил 2 мартдаги 07/21-сон маълумотномаси). Натижада, нефтли, нефть-газли ёки газли уюмларнинг

эҳтимолли учраш зоналарида олинган геофизик маълумотларига ишлов бериш ва таҳлил қилиш усуллари эҳтимолли учраш зоналарига мувофиқ танлаш ва шу билан бирга қидирув ишларининг самарадорлигини оширишга имкон берган;

нефть-газ уюмларининг тақсимланиши ва ҳажмий кўрсаткичи билан тектоник ва гравиметрик омилларнинг боғланиш қонунияти, таъсир кучи ва ишончлилиги тўғрисидаги маълумотлар «Ўзбекгеофизика» АЖда ишлаб чиқариш жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасининг 2021 йил 2 мартдаги №07/21-сон маълумотномаси). Натижада, нефть-газга истиқболли зоналарини аниқлаш учун геологик-қидирув ишларни самарали режалаштиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси: Мазкур тадқиқотларнинг асосий натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги: Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий иш чоп этилган. Шулардан: 1 та монография, 5 та илмий журналлардаги мақолалар, 6 та тезис, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми: Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 134 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Фарғона ботиқлигининг геологик тузилиши ва нефтгазлилигининг структуравий ва геофизик маълумотлар асосида ўрганилганлиги**» деб номланган биринчи бобида ботиқликнинг геологик, геофизик ўрганилганлиги, геологик ва тектоник тузилиши, нефть-газ геологиясини ўрганишда масофавий маълумотлардан фойдаланиш, УВ конларининг жойлашув хусусиятларини ўрганишда структуравий ва геофизик мезонларнинг қўлланилиши тўғрисида баён этилган.

Фарғона ботиқлигининг умумий кўриниши шимоли-шарқий йўналиш бўйича чўзилган. Шимоли-ғарбий ва жанубий-шарқдан кўтарилма-сурилма туридаги чуқур ер ёриқлари билан чегараланган. Фарғона ботиқлигининг

геологик кесимининг юқори қисми асосан мезозой-кайнозой эраси чўкинди ётқизикларидан иборат. Уларнинг остида палеозой эрасига оид тоғ жинсларининг кучли деформацияга учраган қатламлари ётади.

Фарғона ботиклигининг ҳар жиҳатдан фойдали қазилма конларга бойлиги ва геологик нуқтаи назардан ранг баранглиги кўпчилик тадқиқотчиларни ўзига жалб қилган. Жумладан А.М.Акрамходжаев, М.С.Сайдалиева, А.Р.Ходжаев, Т.Л.Бобожонов, Ю.Г.Педдер, Б.Б.Ситдиқов, ва бошқаларнинг номлари билан боғлиқ. Нефтьгазлилиқнинг ривожланишида В.Н.Вебер, Д.В.Голубятник, В.Д.Соколов, В.А.Обручев, К.П.Калицкий В.Т.Клейнберг, С.Н.Симаков, В.Б.Порфирьев, О.С.Вялов К.Р.Сиддиқходжаев, А.И.Гадоев, А.Д.Гончар, М.Р.Нурматов, И.Х.Халисматов, А.И.Исмаилов, А.Х.Урманов, Р.И.Каломазов ва бошқалар катта ҳисса қўшган. Натижада ботиклик бўйлаб кўпгина саноат аҳамиятидаги конлар очилган.

Тадқиқотлар натижасига кўра Фарғона ботиклик бўйича турли тектоник районлаштириш хариталари тузилган. Ушбу тектоник районлаштириш схемалари тузишда маълум геологик-геофизик асослар ётиши келтирилган. М.С.Сайдалиева, Р.Н.Ибрагимов ва бошқалар томонидан тузилган схемада юқори бўр горизонтининг структуравий харитаси асос бўлган. А.Р.Ходжаев, А.М.Акрамходжаев ва бошқалар томонидан тузилган харитада туркистон қатлам юзасида тектоник элементлар ажратилиши бутун мезозой ва кайнозой эраси чўкинди қопламаси асосида олинган. Ф.Х.Зуннунов, Б.Б.Таль Вирский ва бошқалар томонидан тузилган тектоник схемада геофизик маълумотларга таянилган. Бунда палеоген даврининг туркистон қатламлари юзаси бўйича структуравий харита, қоплама йўқ жойларида эса пойдевор юзаси рельефи асос бўлган. А.А.Абидов, Р.У.Каломазов ва бошқалар томонидан тузилган тектоник схемада ботикликнинг ҳосил бўлиши сиқилиш ҳаракатлари сифатида марказий грабен эмас, аксинча, Марказий Фарғона мегасинклинали деб ажратилишини таклиф этган. Ўз навбатида барча узилмаларнинг морфологик шакллари кўтарилма-сурилмалар сифатида ажратилган.

Ушбу тектоник районлаштириш хариталарининг таҳлили шуни кўрсатдики, уларни тузишда турли ёшдаги қатламлар юзалари бўйича олинган структуравий хариталари сифатида туркистон қатламларининг юзаси, бўр қатламлари юзаси, ҳамда мезозой ва кайнозой эрасининг чўкинди қопламасининг деформация элементлари асос бўлган. Тектоник районлаштиришда бутун мезозой-кайнозой қопламасида кузатилган тектоник деформация элементлари олиниши ноўрин бўлган, чунки неотектоник ҳаракатларидан аввалги палеотектоник деформация таъсири ҳам буларнинг ичига кириб кетган. Ботикликда неотектоник ҳаракатлар улуши алоҳида ажратиб олинмаган. Бу тектоник хариталарда кўрсатилган элементлар неотектоник даврда ҳосил бўлган деб бўлмайди. Шу боис, неотектоник ҳаракатларининг нефтьгазлилиқка таъсирини ўрганиш учун янги тектоник элементлар харитаси тузилиши кераклиги қайд этилмоқда ва тадқиқотнинг вазифаларидан бири деб қабул қилинган. Бу вазифани ечиш космик

тасвирлар асосида тектоник структуравий элементларнинг жойлашуви ва чегараларини аниқлаштириш структуравий-геоморфологик ва геологик методлар ёрдамида амалга оширилди. Бундан ташқари Фарғона ботиқлиги учун неотектоник ҳаракатланиш хусусиятини ифодаловчи неотектоник ҳаракат тезлиги градиенти харитасини тузиш ва унинг нефтгазлиликка таъсирини миқдорий баҳолаш вазифасини ечиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Геофизик текширув ишлари борасида Б.Б.Таль-Вирский, Ф.Х.Зуннунов, И.И.Перельман, З.Д.Пшеничная, К.А.Грудкин, Г.П.Ефимов, Т.Л.Бабаджанов, О.П.Мордвинцев, В.Г.Гадиров ва бошқалар кўплаб исмларни қайд этиш мумкин. Тадқиқотчилар томонидан геологик-геофизик шароитларнинг турли жиҳатлари, чуқурлик тузилиши, чуқурлик бўйича зичлик ўзгариши ва турли хусусиятга эга геоблоклар ажратилиши, уларнинг УВ жойлашиш хусусиятларига таъсири ҳам кўриб чиқилган. Аммо турли даражадаги тўпланган геофизик маълумотларга қарамасдан геофизик майдонларнинг кўрсаткичлари углеводород конларининг жойлашиш хусусиятларига таъсирини миқдорий баҳолаш ишлари олиб борилмаган. Бу камчиликни бартараф этиш диссертация ишининг яна бир вазифаси сифатида қабул қилинган.

Диссертациянинг **«Нефтгазлиликнинг структуравий ва геофизик мезонларини ажратиш методлари»** деб номланган иккинчи бобида диссертация тадқиқоти олдига қўйилган вазифаларини ечиш учун амалда қўлланилган методлар ёритилган.

Неотектоник структура элементларининг янги харитасини тузишда қўлланилган космик тасвирларни қайта ишлаш, улардан структуравий-геоморфологик ва неотектоник элементларни дешифровка қилиш методикаси тавсифланган. Ҳозирги вақтда йирик масштабли космик-геологик тадқиқот ишларида Landsat 7, Landsat 8, Aster (TERRA), Quick Bird, DEM, SRTM, Open Topography, Япониянинг Japan Aerospace Exploration Agency (JAXA) кузативига тегишли ALOS-2 ва бошқа космик тасвирларни “ArcGIS Desktop”, ERDAS Imagine, “ENVI” ва “Global Mapper” ҳамда “QGIS” компьютер дастурий воситалар ёрдамида қайта ишлов берилиши, геоахборотлиги юқори Landsat 8 космик суратдан фойдаланилганлиги тўғрисидаги маълумотлар берилган. Ушбу ишда тектоник элементлар харитасини тузиш учун юқори геоахборотлилик билан ажралиб турадиган Landsat 8 космик тасвирларнинг 11 та кўп спектрал каналлари жалб қилинган. Космик тасвирларнинг ҳар бир канали устида юқорида айтиб ўтилган дастурлар ёрдамида махсус амаллар бажарилган. Бунда визуал дешифровкалашнинг анъанавий усуллари, Геоахборот технологиялари (ГАТ) ёрдамида автоматлаштирилган алгоритмлари ва ландшафт геоиндикацион усуллар қўлланилиши алоҳида қайд этилган. Космик тасвирларнинг 11 та каналларида ГАТ технологиялари ёрдамида радиометрик ва атмосферик коррекцияси бажарилиши, рельеф ва атмосфера таъсиридаги ҳар хил

дефектлар тозаланиши ва тасвирларнинг ҳар бир пиксели бўйича энергетик ёрқинланишувига эришилганлиги баён этилган.

Ахборотлиги оширилган тасвирлар асосида ўрганилаётган худуднинг геоморфологик хусусиятлари, кўтарилмалар ва чўкмалар каби структуравий морфологик элементларнинг, линеамент, узилмалар зоналари, структуравий-модда таркибий дешифровка белгилари аниқланганлиги қайд этилган. Улар асосида космик-геологик хариталар тузилганлиги ва турли ёшдаги ётқизиклар, линеаментлар, ер ёриқлари, структуравий-геоморфологик элементлар сифатида моноклиналлар ва поғонали зоналар ажратилиши келтирилган.

Фарғона ботиқлигининг контрастлилик зоналарининг нефть-газ конлари ўртасида боғлиқлик даражасини аниқлаш учун Н.И.Николаев (1988) таклиф этган неотектоник ҳаракат тезлигининг градиенти ($Grad V_N$) кўрсаткичи қабул қилинди. Ушбу кўрсаткич нефть-газ геологиясида қўлланилмаганлигига ва тадқиқот иши давомида УВ конларининг тақсимланишини ўрганишда илк бор миқдорий кўрсаткич сифатида ишлатилганлигига урғу берилди. Уни ҳисоблашда икки ёнма-ён неотектоник ҳаракатланиш изолинияларига тегишли амплитудалар (h_1, h_2) айирмасининг вақт ва майдонга нисбатан келтирилган қиймати аниқланади:

$$Grad V_N = \frac{4}{\pi \cdot T} \cdot \left| \frac{h_2 - h_1}{d_{12}^2} \right| \quad (\text{м/км}^2 \cdot \text{млн. йил}) \quad (1)$$

бу ерда: h_1 ва h_2 ёнма-ён изолиниялар қийматлари, d_{12} уларнинг орасидаги масофа (аслида изолиниялар орасига киритилган доира диаметри), T – неотектоник ҳаракатлар давомийлиги (25 млн.йил деб олинган).

Ҳисобланган қиймат икки изолиния орасига жойлаштирилган доира марказига ёзилади ва рақамлар майдони асосида неотектоник ҳаракат контрастлиги харитаси изолиниялар кўринишида тузилади. Бунда харита Surfer дастури ёрдамида тузилган.

Фарғона ботиқлигида жойлашган нефть-газ конларининг тақсимланиш хусусиятларининг ўрганилаётган неотектоник ва гравитацион омил билан боғланиш даражасини миқдорий баҳолаш учун математик статистика аппаратининг дисперсион таҳлилдан фойдаланиш босқичлари тавсифланган. Омил таъсиридан ҳосил бўлган дисперсия, бошқа қолган омилларни таъсиридан ва умумий дисперсиялар ҳисоблаш, улар асосида таъсир кучини аниқлаш, статистик башоратлашнинг стандарт Фишер мезонининг жадвали билан солиштириш ва натижаларнинг ишончлилик даражасини аниқлаш амалларини бажариш кетма кетлиги келтирилган. Бу амаллар истиқболли нефтьгазлилик зоналарини ажратиш учун ишончлиги юқори бўлган мезонлар аниқлаш имкониятини бериши кўрсатилган. Бобнинг якуни бўйича хулосалар келтирилган. Унда барча маълумотлар таҳлили асосида тадқиқот вазифалари аниқлаштирилган ва асосийси нефть-газ конларининг тақсимланишига таъсир этувчи кўрсаткичларни аниқлаш ва улар ёрдамида

регионнинг нефтгазлилик истиқболли зоналарини ажратиш амалга ошириладиган долзарб вазифалардан эканлиги яна бир бор қайд этилган.

Диссертациянинг «**Фарғона ботиқлигининг неотектоник структуралари ва гравитацион аномалиялари**» деб номланган учинчи бобида Фарғона ботиқлигининг замонавий структуравий-тектоник элементлари ва неотектоник ҳаракатланиш хусусиятлари ҳамда ботиқлик учун мавжуд бўлган гравитацион майдон аномалиялари тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Палеоген даврининг охириги босқичи – кечки олигоцендан, неоген ва тўртламчи даврларида (булар неотектоник давр сифатида қабул қилинган) кескин ороген ҳаракатлар натижасида ботиқликнинг ҳозирги кўринишидаги асосий структуравий элементлари шаклланган. Худудда йирик кўтарилма ва чўкмалар ҳосил бўлган, неотектоник ҳаракатларнинг умумий амплитудаси 12-13 км ни ташкил қилган.

Ерни масофадан зондлашнинг космик тасвирлари ёрдамида қўлга киритилган структуравий-геоморфологик маълумотлар таҳлили асосида Фарғона ботиқлигининг неотектоник даврига мансуб, рельефда хусусиятлари билан намоён бўлган тектоник элементлар харитаси ишлаб чиқилди (1-расм).


Ушбу харита регион учун тузилган аввалги хариталар билан таққосланганда - деярли кўпгина тектоник элементлар жойлашуви, уларнинг чегаралари ва шакллари аниқлаштирилган. Бунда кўндаланг шимолий-ғарбий йўналишига эга Қўқон флексура-ер ёриғи зонаси, унга параллел шарқроқда бир нечта узилмали зоналар, ботиқликнинг шимолий ва жанубий ён бағриларига яқинроқ ўтган локал узилмалар, шимоли-шарқий ва шимоли-ғарбий йўналишидаги силжиш зоналари шулар жумласидандир (1-расм).

Харитада келтирилган барча мавжуд тектоник элементлар қуйидаги гуруҳларга ажратилди: антиклинал зоналар, алоҳида кўтарилмалар, эгилмалар, моноклиналлар, поғонали зоналар, ёнбағри қиялиги, дўнгликлар, турли рутбаларга² тегишли узилмалар (регионал - ўрта рутбали ва чуқур ёриқлар – бу регион учун энг пастки рутбали), флексуравий-узилмали зоналари.

Фарғона ботиқлигининг пастки рутбали ёриқлари - Шимолий Фарғона (1-расм, III) ва Жанубий Фарғона (1-расм, Ж). Улар ботиқликнинг тегишли ёнларидан чегаралаган. Ботиқлик ёнбағри зоналари поғонали қисми билан туташган: шимолда Чуст-Поп (24), жанубда -Конибодом-Риштон (22) ва Яккатут (23).

² Рутба – Ўзбек тилининг изоҳли луғатида (Москва, 1981, 629 бетида) *даража* маносини ҳам билдириши кўрсатилган. Геологияда узилмалар одагда *даража* (русча *порядок* атамаси) бўйича ажратилган. Лекин *даража* рус тилида *степень* деб таржима қилинишини инobatга олиб, геологияда тизимли ёндошувнинг Ўзбекистонлик тадқиқотчилари томонидан (Р.А.Умурзаков, А.К.Ходжаев, Ю.М.Садыков ва б.) иерархик тизимга тегишли *турли иерархик даражадаги* элементларини ажратиш мақсадида уларни *рутба* (русчаси *ранг*) атамаси билан айтилишини тавсия этишган. Шунда, масалан Ер сайёраси миқёсидаги китъалар *энг пастки, ёки биринчи рутбали* элемент, кейинги миқёсдаги, масалан, китъалар ичидаги катта текисликлар ёки тоғли тизмалари - *иккинчи рутбали* элементлар, кейингиси – текислик ёки тоғли тизимлар ичидаги ботиқлик ёки кўтарилмалар – *учинчи рутбали* дейилади ва ҳақозо, *юқорилашган дегани* юқори рутбага ўтиши (1 дан 3-4 гача кўпайиши – *пастки* рутбадан *юқори* рутбагача ўзгаришини англатади).

Жанубий томонда антиклинал кўтарилмалардан иборат икки зона мавжуд: Қизилча-Чимён (1) ва Андижон (2) гуруҳлари. Шарқий томонда Яккатут (23) поғонали зонаси, ғарбда - Конибадом-Риштон (22) зонаси. Бу зонанинг шимолий қисмида Андижон (2) гуруҳига тегишли локал кўтарилмалар ботикликнинг ёнбағри қиялиги томон йўналган, жанубий томонда Қорасу (17) ва Аим (18) эгилмалари билан чегарадош.




1-расм. Фарғона ботиклиги тектоник-структуравий элементлари харитаси (эълон қилинган ва космик суратларни дешифровкалаш маълумотлари асосида тузилган; Р.А Умурзаков., С.А.Раббимкулов, 2021 й).

Шартли белгилар: I-антиклинал зоналар: 1. Қизилча-Чимён; 2. Андижон. II-локал кўтарилмалар: 3. Акбел; 4. Қизиларча; 5. Чимён; 6. Қўқон; 7. Қоражида; 8. Мингбулоқ; 9. Чуст-Поп; 10. Наманган. III-локал эгилмалар: 11. Исфара-Лякан; 12. Шойдан; 13. Дамқўл; 14. Қора адир; 15. Учқўрғон; 16. Кугарти; 17. Қорасу; 18. Аим. IV-моноклиналлар: 19. Тузлук; 20. Андижон. V-поғонали зоналар: 21. Қонибадом-Риштон; 22. Яккатут; 23. Чуст-Поп. VI-ёнбағри қиялиги, VII-дўнгликар, VIII- ёриklar зоналари (а- регионал ёриklar, ўрта рутбали, б-йирик чуқур ёриklари, пастки рутбали), IX-флексуралар X- палеозой ётқизиклари мажмуаларининг ер сатҳига чиққанлиги.

Фарғона ботиклигининг локал кўтарилмалари асосан шимолий шарқга чўзилган, турли шаклга эга, жанубий қисмидагилари энсиз ва ўрта қисмидагилари эни кенгрок: 4-Қизиларча, 5-Чимён, 6-Қўқон, 7-Қоражида, 8-Мингбулоқ, 9-Чустпоп, 10 -Наманган. Алоҳида эгилмалар: Исфара-Лякан (11), Шойдон (13), Дамқўл (14), Қорадарё (15), Учқўрғон (16), Кугарти (19), ботикликнинг шимоли-ғарбий қисмида кичик Акбел (3) кўтарилма зонаси, Бешариқ (12) эгилмалари ажратилган.

Ушбу кўтарилма ва эгилмалар ўз навбатида Шимолий-Фарғона Ер ёриғи зонаси билан туташган. Асосий элементлар қаторига Тузлук (20) ва Андижон

(21) моноклиналлари ва Жанубий (25) ёнбағри зоналари киради. Булар ўз навбатида ер ёриқлари ва флексура ер ёриғи зоналари билан чегараланган. Харитада ҳарфлар билан куйидаги ер ёриқлари белгиланган: Капчигай (Кч), Тузлук (Тк), Маҳрам (М), Конибодом (Кн), Шорсу (Ш). Шунингдек, Андижон (А), Наманган (Н) флексура ер ёриғи зоналари (1-расм). Кўтарилма шаклидаги куйидаги структуравий элементлар рақамлар билан белгиланган: шимолий ғарбдаги Окбел (26); шимоли-шарқий томондан Талас-Фарғона зонаси ва қўшни Поласки майдони билан туташганлари - Қорагунда (27), Майлису (28), Ачису (29). Булар Қорагунда (Кг) ва Қорабулоқ (Кб) флексура ер ёриғи зоналари билан чегараланган. Шимолдан ва жануб томондан йирик кўтарилма-сурилма ёриқлар зонаси бўйича қадимги палеозой эраси мажмуалари мезозой ва кайнозой эраси ётқизиклари устига чиқиб қолган. Ушбу янги тектоник элементлар харитаси ботикликдаги нефть-газ конларининг жойлашув хусусиятларини миқдорий ўрганишда фойдаланилди.



2-расм. Фарғона ботиклигининг неотектоник ҳаракат тезлиги градиенти харитаси (Умурзаков Р.А., Раббимкулов С.А. 2020 й).

Фарғона ботиклиги учун илк мартаба неотектоник ҳаракат тезлиги градиенти харитаси тузилди (2-расм). Харитада ҳаракат контрастлиги юқори миқдорга эга зоналари асосан ботикликнинг жанубий ёнбағрида акс этилган (2-расм). Марказий қисмида тезлик градиенти $0 \div 0.25$, айрим жойларида $0.5 \div 1$ гача кузатилади.

Диссертациянинг «**Фарғона ботиклигидаги нефть ва газ конларининг жойлашувига неотектоник ва гравитацион аномалиялар таъсири миқдорий баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобда нефть ва газ

конлари тақсимланишининг неотектоник ва гравитацион майдон аномалиялари омилларининг боғлиқлигини миқдорий баҳолаш натижалари ҳамда ишончлилигининг эҳтимолий даражаси юқори бўлган мезонлар асосида истиқболли зоналар ажратилиб, келгусида бажариладиган қидирув ишларига тавсиялар берилган.

Структуравий-тектоник элементларнинг нефть, нефть-газ ва газ конлари жойлашуви ўзаро таққослаш натижасида тектоник-элементлар бўйича УВ конларнинг сонлари тақсимланиши: моноклиналларда - 22,41%, поғонали зоналарда 31,03 % тўғри келиши аниқланди. Узилмалар зонасига конларнинг 15 % сони тўғри келган. Нефтли конлар асосан поғонали зоналарга, камроқ – моноклиналларга ва узилмалар зонасига тўғри келиши кузатилган. Нефть-газли конларнинг аксарияти ҳам моноклиналлар, поғонали зона ва узилмалар зонасида кузатилиши аниқланган. Газ конлари антиклинал, поғонали ва узилмалар зоналарида тақсимланиши кузатилган.

